

Имом Газзолий роҳимахуллох айтади: “Жохил киши халол йўк, унга бориш йўли тўсилган, деб ўйлайди. (Унинг наздида) яхши (халол) нарсадан чучук сув ва ўлик ерда ўсадиган ўтдан бошка нарса колмаган. Ундан бошқасини оддий одамлар кўли ифлос қилган ва бузук муомала бузиб юборган! Имом Газзолий роҳимахуллох айтади: “Жохил киши халол йўк, унга бориш йўли тўсилган, деб ўйлайди. (Унинг наздида) яхши (халол) нарсадан чучук сув ва ўлик ерда ўсадиган ўтдан бошка нарса колмаган. Ундан бошқасини оддий одамлар кўли ифлос қилган ва бузук муомала бузиб юборган! Бундай эмас. Балки Мустафо соллаллоху алайхи васаллам: “Халол очик-ойдиндир, харом очик-ойдиндир. Иккиси ўртасида шубхали ишлар бор”, деганлар. Бу уч нарса ҳолатлар ўзгарсада, доим бирга бўлади. Йўқолган нарса эса халолни ва унга қандай етиб боришни билишдир”(Имом Газзолий. Ихё. 5-20. Муновий. Файзул Кодийр. 3/424-425.).

Мен ҳам бу уч нарса ҳамон мавжуд, лекин харом камаяди ва кўпаяди, дейман.

Замонамизда дин заифлиги, унда фикх (уни теран тушуниш) камлиги ва инсонларнинг аксар муомалаларида рибо ва бошка харом муомалаларнинг таркалиб кетгани туфайли харом кўпайиб кетган. Аллох Ўзи ёрдам берувчидир.

Харом молнинг таркалиши уни сотиб олмаслик ва емасликни лозим қилмайди

Имом Газзолий роҳимахуллох “Ихё” китобида шундай деган: “Ким дунё молига бир бўлак харом аралашганини билса, сотиб олмаслик ва емаслик лозим бўлмайди. Чунки бу хараж (мушкуллик)дир. Дунёда эса хараж йўк. Агар Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам замонларида бир қалқон ўғирлангани ва бир киши ўлжадан хиёнат қилиб аба (пальто кўринишидаги жунли кийим) олгани маълум бўлса, ҳеч ким дунёда қалқон ва аба сотувидан ман қилинмайди, шунингдек барча ўғирланган нарса ҳам.

Агар одамларнинг барчаси гуноҳлардан сакланган бўлса, дунё ёппасига харомдан узилади. Лекин бу амримаҳол ишдир. Агар бу нарса бутун дунё бўйича шарт қилинмаса, бир юрт (ёки шаҳар)да шарт қилинмайди. (Гуноҳ, харомдан холи бўлиш) маълум бир мидордаги (чегараланган) гуруҳлар ўртасида бўлади. Бундан четланиш (дунёда қайсидир харом нарса аралашган деб барча нарсадан воз кечиш) васвасага берилганларнинг “пархезқорлиги” саналади. Чунки бу Расулulloх соллаллоху алайхи васалламдан ҳам, саҳобаларнинг бирортасидан ҳам нақл қилинмаган. Бунга вафо (амал) қилиш на бирор халқда ва на бирор даврда тасаввур қилинмайди”.

Юқоридаги ҳадис Имом Бухорий, Аҳмад, Муслим, Абу Довуд, Насоий, Термизий, Ибн Можа ва бошқаларнинг Нуъмон ибн Башир розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадиснинг бир қисмидир. Зикр қилинган лафз Имом Термизийга тегишли. “Уни тарқ қилиш, олишдан яхшироқдир” жумласи муаллифга тегишли экани кўринади.

Имом Термизий ривоятининг давоми шундай: “Иккисининг ўртасида эса, шубхали бўлган нарсалар ҳам бор. Кўпчилик халолданми ёки харомдан эканини билмайди. Бас, қимки уларни тарқ қилса, динини ҳам, номус-обрўсини ҳам покиза асраб қолади. Ким улардан бирор нарсага воҳеъ бўлса, харомга воҳеъ бўлиши мумкин. Бунинг мисоли бировнинг курғони атрофида сурувни ўтлатиб юрган чўпонга ўхшайди. У кўйларининг беҳосдан ўша хўргонга ҳам қириб кетишидан омонда бўлмагани сингари, шубхали нарсалардан ўзини эҳтиёт қилмаган киши кейинчалик харомга ҳам аралашиб қолади. Оғоҳ бўлинг, ҳар бир подшонинг кўргони бўлади. Оғоҳ бўлинг, Аллохнинг кўргони Унинг харом қилган нарсаларидир. Оғоҳ бўлинг, жасадда бир парча гўшт борки, агар у соғлом бўлса, бутун жасад соғ-саломат бўлади. Агар у айниса, жасаднинг қолган қисми ҳам бузилади. Оғоҳ

бўлинг, у парча гўшт халбдир”.

Хорис Мухосибийнинг  
"Рисолатул мустаршидийн" китобидан